




Ўзбекистон Республикаси сайлов тизимининг ўзига хос хусусиятлари



Сайлов тушунчаси

Сайлов бу – фуқароларнинг жамият ва давлат ишларида иштирок этиш имконини берувчи, давлат ҳокимиятининг сайлаш орқали шакллантириладиган органларига тақдим этилган номзодлардан бирини овоз бериш йўли билан танлаб олишга қаратилган демократик жараён.



Тарихи



Сайловлар даставвал Қадимги Юнонистон ва Римда, Папалар ва муқаддас Рим императорларини таналашда ўтказилган. Дастлабки сайловларда аҳолининг барча табақаси қатнашиш ҳуқуқига эга бўлмаган ҳамда вақт ўтган сари сайлов тизими ислоҳ этилиб, барча фуқаролар иштирок этиши мумкин бўлган. Президентлик сайловлари биринчи бўлиб АҚШда 1788 йил 15 декабрдан 1789 йил 10 январгача ўтказилиб, унда Ж. Вашингтон ғолиб бўлган.

Сайлов тизими

Пропорционал - сиёсий партиянинг раҳбар ва аъзоларига бўлинган рўйхатлардан бирига овоз берилади. Бундай ҳолатда овозларни ҳисоблаш 5% кўп овоз йиққан рўйхат бўйича олиб борилади.

Мажоритар – сайловчиларнинг кўпчилик овози (50 фоиз + битта овоз) ни олган номзод сайланган ҳисобланади.

Ўзбекистонда давлат сайлов тизими мажоритар сайлов тизимига асосланган.

Сайлов қонунчилигини тартибга солувчи хужжатлар:

1. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. 2019 йил 25 июнда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси.
3. 1996 йил 26 декабрдаги қабул қилинган Сиёсий партиялар тўғрисидаги Қонун.
4. Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисидаги Қонуни (янги таҳрири, 30.08.2001й.)



Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар



- Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 апрелдаги 1065-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги **НИЗОМ**.
- Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 апрелдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги **НИЗОМ**.
- Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 апрелдаги 1068-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартиби тўғрисидаги **НИЗОМ**.

Сайлов ўтказишнинг асосий принциплари

Умумий сайлов ҳуқуқи


Тенг сайлов ҳуқуқи

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи

асосида яширин овоз бериш орқали ўтказилади.
Сайлов очик ва ошкора ўтказилади.

Сайлов округлари

- Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича сайлов округлари Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади.
- Сайлов округларининг рўйхатлари уларнинг чегаралари, сайловчилар сони ва округ сайлов комиссияларининг жойлашган ери кўрсатилган ҳолда сайловдан **камида 75 кун олдин** эълон қилинади.



Сайлов участкалари

- Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича сайлов участкалари туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади.
- Сайлов участкалари сайловга камида **олтмиш кун** қолганида, қоида тариқасида, сайловчилар сони камида **йигирма нафар**дан ва кўпи билан **уч минг нафар**дан ошмаган ҳолда тузилади.

САЙЛОВ
КОМИССИЯЛАРИ
ТИЗИМИ



Марказий сайлов комиссияси



Вилоят сайлов комиссиялари



Туман ва шаҳар сайлов комиссиялари



Округ сайлов комиссиялари



Участка сайлов комиссиялари

Сайлов комиссиялари



Сайлов комиссиялари ва уларнинг аъзолари ўз фаолиятини ҳар қандай давлат органларидан, жамоат бирлашмаларидан ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда амалга оширади.



фаолиятига аралashiшга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.



Масалаларни кўриб чиқиш ва қарорлар қабул қилиш сайлов комиссияси томонидан коллегиял тарзда очиқ ва ошкора амалга оширилади.



Сайлов комиссиясининг мажлисларида сиёсий партияларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлардан кузатувчилар ҳозир бўлиши мумкин.

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ РЎЙХАТЛАРИ

Сайлов кунига қадар ёки сайлов куни **ўн саккиз ёшга** тўлган, рўйхат тузилаётган пайтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилаётган фуқароларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатига киритилади. Ҳар бир сайловчи **фақат битта** сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин.



САЙЛОВЧИЛАРНИНГ ЯГОНА ЭЛЕКТРОН РЎЙХАТИ

Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати ваколатли давлат органларининг ахборот базаларига мувофиқ сайловчи фуқаролар, уларнинг **доимий ва вақтинча яшаш жойлари манзиллари** ҳақидаги ахборотни ўз ичига олган давлат ахборот ресурсидир.



Сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар



- ❑ Кузатувчилар ўз фаолиятини тегишли комиссиялар томонидан **берилган мандатлар** асосида амалга оширади.
- ❑ Кузатувчилар сайлов комиссияларининг **мажлисларида ҳозир бўлиш**, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида **иштирок этиш**, сайлов участкасида комиссия ваколат доирасида амалга ошираётган ишларини **кузатиш**, овозлар санаб чиқиладиганда ва сайлов комиссиясининг баённомаси тузиладиганда **ҳозир бўлиш**, сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тасдиқланган кўчирма нусхаларини **сўраш ва олиш**, Сайлов Кодекснинг талаблари бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асослар бўлса, тегишли сайлов комиссиясига **маълум қилиш** ҳуқуқига эга.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛЛАРИ

Сайловларда иштирок этиш учун ўз номзодларини кўрсатган **сиёсий партиялар** сайлов комиссиясининг мажлисларида, ҳужжатларни топширишда, имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширишда, сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун **ваколатли вакил тайинлашга** ҳақли.



Сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари **шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, сиёсий партия томонидан берилган ҳужжатни** ва тегишли сайлов комиссиясининг **мандатини** ўз ёнида олиб юриши шарт.



ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ВАКИЛЛАРИ

ОАВларининг вакиллари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларни ёритиш, сайлов куни овоз бериш биноларида ҳозир бўлиш, шу жумладан овозларни санаб чиқиш чоғида ҳозир бўлиш ҳуқуқига эга.

Бошқа давлатларнинг ОАВ вакиллари Марказий сайлов комиссияси аккредитациядан ўтказди.



ОАВ вакилларининг ваколатлари тегишли сайлов комиссиялари томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

САЙЛОВЛАР
СОАТ 8.00 ДАН 20.00 ГАЧА
ЎТКАЗИЛАДИ

Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида
участка сайлов комиссияси сайловчиларни
сайловдан камида ўн кун олдин хабардор
қилади.




САЙЛОВЧИ ОВОЗ БЕРИШ БИНОСИГА КЕЛГАЧ

Участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз **шахсини тасдиқловчи ҳужжатни** кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйхатига **имзо қўяди**. Шундан кейин унга сайлов бюллетени берилади.



Сайлов бюллетени **яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида** тўлдирилади. Сайлов бюллетенини тўлдириш вақтида овоз берувчидан **бошқа шахсларнинг** ҳозир бўлиши тақиқланади.

Сайловда сайловчи ўзи ёқлаб овоз бераётган
номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг
томонда жойлашган бўш квадратга



БЕЛГИЛАРИДАН БИРИНИ ҚЎЯДИ.

САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ

Президент сайлови якунларига кўра Марказий сайлов комиссиясининг қарори сайловдан кейин **10 кундан** кечиктирмай қабул қилинади ва Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ва бошқа манбаларда эълон қилинади.

Хулоса

- Сайлов – жамиятни ҳақиқий жамиятга айлантирувчи муҳим омил ҳисобланади. Мазкур сиёсий жараённи лозим даражада ўтказиш учун билим ва кўникмаларга эга бўлиш жамият равнақига бефарқ бўлмаган ҳар бир фуқаронинг бурчидир.
- Ҳар бир демократик давлатда сайловчиларнинг сайловда иштирок этиши халқаро кузатувчилар томонидан баҳоланади ҳамда халқаро кузатувчиларнинг хулосалари давлатнинг халқаро ҳамжамиятдаги имиджига бевосита таъсир кўрсатади.

Эътиборингиз учун раҳмат!
